



ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ОИЛАДА СОДИР ЭТИЛИДИГАН ЖИНОЯТЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ФАОЛИЯТИ

Исаев Абдурахмон Абдушукур ўғли

Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлиги Академияси
Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти йўналиши 3-босқич
306-гуруҳ курсанти

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 25- Aprel 2023 yil
Ma'qullandi: 28-Aprel 2023 yil
Nashr qilindi: 03-May 2023 yil

KEY WORDS

профилактика, инспектор,
оилада содир этилидиган
жиноят, фаолият, оилавий
низолар, нотинчлик, оила-
турмуш соҳасидаги жиноят ва
зўравонлик.

ABSTRACT

Оила ҳаёт абадийлиги ва авлодлар давомийлигини таъминловчи қадриятлар бешиги, келажак насллар учун бетакрор тарбия масканидир. Шу боис мамлакатимизда барча хайрли ишлар, эзгу амаллар, аввало, оилаларни мустаҳкамлаш, баркамол авлодни вояга етказиш ҳамда уларнинг ёруғ келажagini таъминлашда ифодаланади. Оила - бу эр-хотин, ота-оналар, фарзандлар, фарзандликка олинган шахсларнинг ўзаро ҳурмат, ғамхўрлик, ҳамжиҳатлик асосида жамоа бўлиб яшочи шахслар иттифоқидир.

Мамлакатимизда ҳозирги кунда оилавий низолар, нотинчликлар бўлиши ва шунинг замирида оилада ажримлар юзага келиши натижасида оилада турли хил жиноятлар кузатилмоқда ва авж олиб бормоқда ҳозирки кунда ушбу жиноятлар қуйидагича кўринишда:

Оила-турмуш соҳасидаги жиноят ва зўравонликлар деганда шахсга қарши ғайриқоний куч ишлатиш, калтаклаш, зўрлаш, мажбурлаш, ножўя таъсир кўрсатиш, ўз ҳукмронлигини ўтказиш кабиларда ифодаланади. У асосан жисмоний ёки руҳий кўринишда бўлиши мумкин. Руҳий зўравонлик эса кўп ҳолларда кўрқитиш (бир шахсни иккинчи бир шахс томонидан кўрқитиб бўйсундириш, ўзини кўрсатиш ёхуд ўзига қарам қилиш) кўринишида бўлади. Руҳий зўравонлик асабийлашишнинг маҳсули бўлиб, бир шахсни кўрқитиб ўзига бўйсундириш, унинг “ихтиёрига зид” ёки “тарбиялаш” мақсадларида қўлланилиши ҳам мумкин. У айбдорга унинг қариндошлари ёки яқин кишиларига нисбатан бевосита қўлланилишида намоён бўлади. Жиноят ҳуқуқи нуқтаи назаридан турли даражада баданга шикаст етказиш, калтаклаш ва бошқа жисмоний куч ишлатишни жисмоний зўравонлик деб баҳоланиши лозим.

Оила-турмуш доирасида содир этиладиган ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар зўравонлик орасида болаларни калтаклаш, хўрлаш, зулм ўтказиш, ўлдириш каби жиноятларнинг содир этилиши мазкур муаммони янада мураккаблаштиради. Масалан, чақалоқларнинг ўлдирилиши, шафқатсиз ва таҳқирловчи жазолашлар, бепарволик ва ташлаб қўйиш, шахвоний таҳқирлаш ва болаларга қарши зўравонликлар оила-турмуш доирасида содир этилади. Таъкидлаш жоизки, оиладаги ҳуқуқбузарлик ва жиноий

зўравонлик кишилар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар жараёнидаги тажовузкорликда намоён бўлади. Аммо кундалик турмушда ҳар биримиз турли ҳаётий вазиятларда турлича тажовузкор хулқ-атворга дуч келамиз.

Оилада содир этиладиган жиноий зўравонликни инсонга унинг иродасидан ташқари таъсир кўрсатиш сифатида тавсифлаш тўғрироқ бўлар эди, чунки жабрланувчи ўз иродасини намоён этадиган ҳолатда, зўравон унга қарши ҳаракат қилади ва бу ҳар доим ҳам шундай бўлавермайди. Кўп ҳолларда айбдор жабрланувчининг иродасини менсимайди, зўрлик ишлатиш билан таҳдид қилишни фақат жисмоний зарар етказиш билан таҳдид қилишга қўшиш мумкин эмас. Руҳиятга нафақат жисмоний зарар етказиш билан таҳдид қилиш, балки бошқа манфаатларга, кўпинча муҳимлиги жиҳатдан соғлиқ ва ҳатто ҳаётдан маҳрум қилишдан ҳам қолишмайдиган бошқа (масалан, шаъни, қадр-қиммати, эркинлиги, обрў-эътибор, мулкӣ) қадриятларига ҳам таъсир қилиши мумкин; тўртинчидан, оилада содир этиладиган жиноятлар фақат бевосита инсон иродасига таъсир кўрсатиш сифатида кўриб чиқилиши ҳозирги кунда анча тордек туюлади, чунки инсонга таъсир ўтказиш қонун билан қўриқланадиган бошқа нарсалар, масалан, моддий бойликларда ҳам намоён бўлиши мумкин.

Оилада содир этиладиган жиноятлар оқибатида инсоннинг конституция билан кафолатланган ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари, хусусан ҳаёти, соғлиғи, эркинлиги, жинсий дахлсизлиги, шаъни, ор-номуси, қадр-қиммати ҳамда қонун билан қўриқланадиган бошқа ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларига таҳдид ва тажовуз қилувчи жиноятлар содир этилади.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, бугунги кунда амалиётда оила-турмуш соҳасида содир этиладиган жиноятлар ҳақида алоҳида статистик ҳисоботлар юритилган. Лекин, ушбу статистик ҳисоботлар фақатгина қасддан одам ўлдириш, қасддан одам ўлдиришга суиқасд қилиш, қасддан баданга турли даражада шикаст етказиш ва безориликни ўз ичига қамраб олган.

Оилалардаги нотинчлик, низоларнинг ўз вақтида ҳал этилмаслиги маҳалла фаоллари ва кенг жамоатчиликнинг эътиборидан четда қолганлиги оқибатида **ўта оғир жиноятлар** содир этилмоқда.

Оила турмуш доирасидаги жиноятларни олдини олиш мақсадида аввало фуқароларимизнинг ҳуқуқий онг ва маданиятини оширишимиз зарур сабаби барча содир этилаётган ҳатти-ҳаракатлар қонун бузарлик эканлиги ва ушбу ҳаракат жавобгарликка тортилишга олиб келишини билган фуқаролар онгли равишда бундай ишларга қўл урмайдилар. Шу ўринда эр-хотин, ота-оналар, фарзандлар, фарзандликка олинган шахсларнинг ўзаро бир бирларини ҳурмат қилишлиги муҳим аҳамият касб этади.

Агарда ушбу юқоридаги кўрсатмаларга амал қилинса оилаларимиздаги жиноятларни барвақт олдини олган бўлар эдик. Барчамиз ўз оиламизни ҳимоя қилишимиз ва асрашимиз ўзимизнинг кўлимизда.

Адабиётлар:

1. Islomov.Z.M.Davlat va huquq nazariyasi.-T.: Adolat, 2007.-537-b "Oriental Art and Culture" Scientific-Methodical Journal - (3) III/2020 ISSN 2181-063X 413 <http://oac.dsmi-qf.uz>
2. Ю.А.Дмитриев.Правосознание и правовая культура / Теория государства и права.Под.ред.Пиголкина. – Москва:Юрайт – Издат, 2006.- С. 547

3. U.Tajixanov, A,Saidov. Huquqiy madaniyat nazariyasi 1-tom.- Toshkent.
1998, 11-b

4. O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi 29.08.1997-yil 466-I son qarori bilan
tasdiqlangan.Nrm.uz



**INNOVATIVE
ACADEMY**